

Молия муассасаларида

Тадбиркорлар манфаати йўлида



АТ «Халқ банки» юртимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга давлат дастурларининг амалга оширилишида ҳамда ҳудудларни ривожлантиришга доир лойиҳаларни зарур маблағ билан таъминлашда фаол иштирок этиб келмоқда. Хусусан, банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган ишбилармонларга, оилавий тадбиркорларга ва касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор берилмаётир.

Реклама ўрнида

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан 2016 йил 5 октябрда имзоланган «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармон хусусий секторни ривожлантириш борасидаги ишларни янги bosқичда давом эттириш ва энг муҳими, халқимиз фаровонлигини янада ошириш йўлидаги дадил қадамлардан бири бўлди, десак тўғри бўлади.

Ушбу ҳужжатда белгиланган чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилаб, соҳани янада либераллаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Фармонга асосан тадбиркорлик субъектларига янги имтиёзлар тақдим этилади, уларнинг фаолиятига асосиз аралашувга чек қўйилади. Текширишларни ўтказиш сони ва муддати қисқартирилади. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш харажатлари камайтирилади.

Молия муассасалари томонидан ажратилаётган кредитлар жойларда, айниқса, чекка ва олис ҳудудларда тадбиркорларнинг бошланғич сармоясини шакллантиришга замин яратаятган, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга катта ҳисса қўшаётгани билан аҳамиятлидир. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, кам фоизли, имтиёзли, узок муддатли кредит маблағлари тадбиркорга қулай муҳит яратишининг бош омилларидан саналади.

Биргина АТ «Халқ банки» томонидан жорий йилнинг 9 ойи давомида 7 мингга яқин кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларига 1 трлн. 21 млрд. сўмдан зиёд кредитлар ажратилди. Бу эса ўтган йилнинг шу давrigа нисбатан 31 фоизга ўсиш демакдир. Жумладан, 5 мингга яқин тадбиркорларга ажратилган микрокредитлар ҳажми 348,3 млрд. сўмини ташкил қилди.

Тадбиркорларга ҳукуматимиз томонидан имтиёз ва энгилликлар яратилиши билан бирга уларнинг фаолиятида юзга келаётган гов ва тўсиқларга барҳам бериш бўйича ҳам қатор ишлар амалга ошириляётир. Бунинг

натijasида ишбилармон аёлларнинг сони салмоқли даражада ошиб, АТ «Халқ банки» томонидан 2224 нафар тадбиркор аёлга 2,2 млрд. сўмлик кредитлар ажратилган. Айниқса, коллеж битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини пухта ўргатиш, уларнинг ўқишни битирмасданок иш ўринларига эга бўлишини таъминлаш борасида ижобий натижаларга эришиляпти. Банк томонидан ўтган йилнинг 9 ойи давомида касб-хунар коллежларининг 1704 нафар битирувчисига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун 36,8 млрд. сўмлик кредитлар ажратилиб, натижада 2 мингга яқин янги иш ўринлари яратилгани фикримизни яққол тасдиқлайди.

З.КАРИМОВ,
Андижон вилояти Избоскан тумани «Раҳматилло» chorвачилик фермер хўжалиги раҳбари:

— Фермер хўжалигимиз фаолиятини яхшилаш ҳамда 2016 йилги манзилли дастур бўйича насли қорамоллар сотиб олиб, chorва молларини кўпайтириш учун кредит олиш мақсадида АТ «Халқ банки»нинг Избоскан туман филиалига бизнес-лойиҳамни тақдим этдим. Банк мутасадди ходимлари бизнес-лойиҳамни қисқа муддатда ўрганиб чиқишиб, 490 млн. сўм миқдорига имтиёзли кредит ажратди. Мазкур кредит сабаб ишимиз кўлами анча кенгайиб борди. Ҳозирги кунда chorва молларимизнинг бозори чаққон. Хатто харидорлар уйимизга ҳам сўраб келишмоқда.

Келгусида ниятларимиз катта. Банк хизматларидан кенг фойдаланган ҳолда фермер хўжалиги қошида сутни қайта ишлаш ва қаймоқ қадоклаш цехларини ишга туширишни режалаштирганмиз. Натижада, яна бир қанча ёшларни муқим иш ўринлари билан таъминлаш имконияти пайдо бўлади.

Б.ИСМОИЛОВ,
Тошкент шаҳар Яшнобод туманидаги «PARNAS PHARM GROUP» МЧЖ раҳбари:

— Корхонамиз фаолияти асосан дорихоналарга дори-дармон воситалари етказиб беришга ихтисослашган. Шунингдек, фаолиятимизни кенгайтириш, қўшимча янги иш ўринлари яратиш ҳамда мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида АТ «Халқ банки»нинг Яшнобод туман филиалига мурожаат этдик. Банкнинг мутасадди ходимлари бизнес лойиҳамни билан ақиндан танишган, қисқа муддатда 800,0 млн. сўм миқдорига кредит ажратди. Бу фаолиятимиз кенгайиши ва хизмат турлари ортисидаги туртки бўлди.

Мазкур кредит маблағи хисобига хориждан зарур бўлган хомашёни келтириб, кенг миқёсда нафақат Тошкент шаҳрида, балки Фарғона, Андижон, Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятларидаги мижозларимизга сифатли ва арзон нархларда етказиб беряпмиз.



Бугунги кунда кўрсатаётган хизматларимиздан аҳоли мамнун бўлмоқда.

Келажакда ушбу банк билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаб, ўз бизнесимизни кенгайтириш, янги иш ўринлари ташкил қилиш ҳамда аҳоли учун сифатли маҳсулотлар етказиб беришни мўлжаллаганмиз. Режаларимиз амалга ошса, бир нечта янги иш ўринлари вужудга келади.

Н.ХОДЖАЕВА,
Хоразм вилояти Гурлан туманида фаолият юритувчи яқка тартибдаги тадбиркор:

— Юртимизда нафақат иқтисодий-тани ривожлантириш, балки аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Бугун хоҳлар тижорат банкига борсангиз, мижозларнинг навбат кутиб турганига кўзингиз тушади. Банкларда тадбиркорлар хонаси ташкил этилган бўлиб, барча шaroит яратилган.

Жорий йилда Гурлан туманидаги Ижтимоий иқтисодий ва сервис касб-хунар коллежини битирдим. Тадбиркорликни йўлга қўйиш мақсадида АТ «Халқ банки»нинг Гурлан тумани филиалига бизнес лойиҳамни тақдим этдим. Бизнес лойиҳам маъқуланган, менга банк томонидан 75 миллион сўм миқдорига кредит ажратилди.

Мазкур маблағ хисобига нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ускуна ва дастгоҳлари ҳамда ишлаб чиқариш хомашёни сотиб олиб, фаолиятимни бошлаб юбордим. Ҳозирда биз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар узининг сифати ва бежиримлиги билан харидорларга манзур бўляётир.

Н.ХАЛДИБЕКОВА,
Ангрэн шаҳрида фаолият юритувчи яқка тартибдаги тадбиркор:

— АТ «Халқ банки» Ангрэн шаҳар филиалидан жорий йил март ойида айланама маблағларни тўлдириб мақсадида 40 млн. сўм миқдорига кредит олган эдим. Ҳозирда ушбу кредит хисобига аҳолини сифатли ноозик ва

озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб келяпмиз. Мазкур кредит хисобига 2 нафар ёш доимий иш билан таъминланди.

Ишларим ўнгидан келиб, қисқа вақт ичида 2 млн. сўм даромад қилишга эришдим. Келажакда олинган кредитни вақтида тўлаб, банк билан ҳамкорликни янада кенгайтироқчиман. Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режамиз бор. Агар шу режани амалга ошира оласк, бир нечта янги иш ўринлари яратишга муваффақ бўламиз.

Ж.ЕРНИЯЗОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Тўртқўл тумани «Чибукли Чарос» деҳқон хўжалиги раҳбари:

— Ўтган йили деҳқон хўжалигимизга АТ «Халқ банки»нинг Тўртқўл тумани филиали томонидан 65 млн. сўм кредит маблағи ажратилган эди. Ушбу кредит эвазига chorвачиликни ривожлантирдик. Натижада касб-хунар коллежларини тамомлаган 3 нафар ёш доимий иш жойига эга бўлди.

Ҳозирда олинган кредитни вақтида ёпиб, фаолиятимизни кенгайтириш, шунингдек, келажакда сутни қайта ишлаш цехини ишга тушироқчимиз. Албатта, бу борада ҳам АТ «Халқ банки»нинг Тўртқўл тумани филиали хизматларига сунянамиз.

«Халқ банки» жорий йилда ҳам тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга бериладиган кредитлар салмоғини янада кўпайтирмоқда. Кўринадик, банк филиаллари томонидан олиб бориляётган ишларнинг аксарияти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини янада оширишга қаратилган. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, фуқароларимизнинг ҳаёт фаровонлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Банк ахборот хизмати.
Хизматлар лицензияланган.

Маданият

Ўзбек Миллий академик драма театрида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан «Мирзо Улуғбек» спектакли намойиш этилди.

Саҳнада яна «Мирзо Улуғбек»

Атоқли адиб Мақсуд Шайхзоданин «Мирзо Улуғбек» драмаси асосида қайта саҳналаштирилган асарда бош ролларни Ўзбекистон халқ артистлари Эркин Комилов, Яйра Абдуллаева, хизмат кўрсатган артистлар Фатхулла Маъсудов, Бехзод Мухаммаджаримов ва Лола Элтоева каби таниқли санъаткорлар ижро этган.

— Бу каби тарихий асарлар намойиши халқимизнинг бой маданий мероси ва аъналарини асраб-авайлаш, ёш авлоднинг буюк аждодларимизга муносиб бўлиб каломга етишидек буюк мақсадлар ва эзгулик, юртпарварлик, инсоний фазилатларни камол топтиришга хизмат қилади, — дейди шахмат бўйича Ўзбекистондаги биринчи аёл гроссмейстер Нафиса Муминова. — Спектаклда бобоклонимиз Мирзо Улуғбекнинг давлат арбоби, буюк олим, илмфан хомийси сифатида амалга оширган ишлари, бу йўлда турли зиддиятларга дуч келиб, машаққатлар чеккани маҳорат билан аса эттирилган. Биз, ёшлар ана шундай буюк сиймоларимизга муносиб авлод бўлишимиз лозим. Ана шундагина кўзлаган мақсадимизга етамиз. Бунинг учун кўп нарсга талаб этилмайди аслида. Тинимсиз ўқи-излашни, ҳаракат ва кунт бўлса кифоя.

Саҳна асари Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, таниқли режисёр Олимжон Салимов томонидан саҳналаштирилган. Рассом — Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Бахтиёр Тўраев.

Салим АБДУРАХМОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Мулоҳаза

Негадир, ҳар йили куз менга ўзгача моҳият касб этаверади. Гўё уни қайта кашф этгандек бўлавераман.

Моҳият... Ҳар ким ўзича тақдир этади бу тушунчани. Инсоннинг асл моҳиятини билмасдан туриб, унга юзаки баҳо бериб бўлмагани каби, кузни ҳам шунчаки «Олтин куз», дея тарифлаш ва ундан нарига ўтмаслик адолатдан эмас. Чунки бу фаслнинг барча сир-синаоти, гўзаллиги, таровати унинг асл моҳиятида мужжасамдир.

Соқин куз...

Куз... Интиқлик билан кутганим бу фасл яна ўзига хос жозоба билан ташриф буюрди. У ҳар йили ўзгача кайфият билан нафақат борлиққа, балки қалбимга ташриф буюргандек бўлади. Инсон умри тўрт фаслга қисқисланади. Баҳор ва ёз сингари энг жўшқин ва хароратли бўлган даврни ортда қолдириб, умр кузига етиб келган инсоннинг табиатида жиддий ўзгаришларнинг содир бўлиши табиий. Зеро, куз соқин экан, инсон табиатида ҳам соқинлик со-

дир бўлади. Ҳаётга «тепа»дан қараш, мулоҳазакорлик, жиддийлик ҳукмронлик қила бошлайди. Нега? Чунки бу даврга келиб, инсон шахс сифатида ҳам, инсон сифатида ҳам тўлиқ етилади. Умрнинг энг кулминацион даврини ортда қолдириб, ўтмишига назар соларкан, ўз камчилиги ва ютуқларини таҳлил қилиб, ҳолис баҳо бера оладиган даражада «донийшманд»га айланади.

Кузчи? У ҳам етилган фасл. Пишиқчилик маҳсули бўлган ҳосил ва моҳиятан ранг-баранглик кузнинг тароватини янада оширади. Инсон умрининг асл маҳсули ҳам умрнинг маълум бир bosқичида ўзини намoён қилади. Ҳаёт синовларида тобланган инсон ортига назар ташлаб, нима учун дунёга келганини ва нималарга қодирлигини, ҳаётнинг мазмун ва моҳиятини янада теранроқ англаб этади. Ҳаётни ҳам атрофидагиларни ҳам ҳолис баҳолай олади. Баҳор ва ёзни интиқлик билан кутадиган қалб соҳибини энди бу ёшда кузни қўмсайдилу билан ўзи орасидаги ҳамоҳангликни ҳис қила бошлайди. Ҳис қилган сари бу соқин фасл билан унсиз сўхбатлашади.

Баҳорни севардим, фақат баҳорни, Аммо бузун дардларимга ҳамоҳандир куз. Сирли ёнғирларга тикилиб ўзоқ, Ҳаёт оғушида турибман ҳануз!

Куз... Баъзан шаррос ёмғирлари, кучли шамоллари ҳамда этни жунжиктирувчи салқин ҳавоси билан бизни шошириб қўяди. Аслида, бу ҳолатларда қандайдир ҳикматли сир мужжасам. Бу ҳолат мудраётган борлиқни харакалга келтиради... Япроқлар чирт-чирт этиб узилади. Сўнгги япроқлар маҳзунлик билан шабадада тебранади. Биз ҳам сергалланамиз. Ҳаётнинг муҳим омили бўлган харакатни ишга соламиз.

Атрофни кузатаск, тирик зот борки, ўнги сўлини йиғиб олишга киришади. Чунки ҳаётнинг сарҳисб қилинадиган палласи етиб келганини англаймиз. Шамоллар бизни шоширади, ёмғирлар оғошлантириш баробарида, ўйга толдиради. Ёхуд унутганларимизни эсга солади, тугалланмай қолган ишларимизни тезроқ тугатишга ундайди. Ҳар бир фурсат, ҳар бир софия ганимат эканлигини уқтиради ва уни қўлдан бериб қўймайди.

Ва ниҳоят, шаррос қуяётган ёмғирлар яна тинади... Шамоллар соқинлашади. Куз гўё сукут сақлашга ўтади. Соқинлик ҳукм сура бошлайди. Мен эса кузнинг моҳиятини англаган сари унга қалбдан ошуфта бўлавераман. Куз гўё кўз олдимда донийшманд қиёфасида намoён бўлаверади. Энг муҳими, у сўзламайди. Бироқ сон-саноксиз сўзлар би-

ла н ҳам англаш мушкул бўлган асл ҳақиқатни, қонунятларни соқинлик ила англаватеради-англаватеради. У ҳарчанд губорли, тўзонли бўлмасин, ҳар бир ҳолатида олам-олам маъно мужжасам. Гоҳо куз туманлари атроф-борлигимизни қуриш олади. Бироқ у бизни адаштирмайди. Оёғимиз остидаги ерни қафдек қўриб турамиз. Атрофни қуюқ куз туманлари қоллагани сари қалбимизда ажиб бир умидворлик, иштиёқ, ва айни пайтда кучли бир журъатни ҳис қиламиз. Туман эса зумда кўздан гойиб бўлади. Бизнинг иродамиз ва инсоний шууриймиз заррача таъсир кўрсата олмайдилу. Чунки кузнинг асл моҳияти унинг туманида эмас. У, барбир, гўзал ва мафтункор. Бу гўзаллик қоршган соқинлик эса руҳиятимизга хуш ёқади. «Донийшманд» куз эса ана шу сирли соқинлик билан бизни мафтун қилишда давом этаверади...

Сайёра ШОДИЕВА,
«Ishonch» мухбири

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-naqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir o'rinbosari:
Zayniddin Rixsiyev
Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'iqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73
Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

HUUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 314-13-03
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-91) 233-69-07
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:
A.Abdullayev
Navbatchi:
D.Oripov
Musahhih:
S.Shodiyeva
Sahifalovchi:
H.Abdullajilov
Boshiga topshirish vaqti — 23:50
Topshirildi — 00:20
1 2 3 4 5 6

«Sharq» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi.
Korxonaning manzili:
Buyuk Turan ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalovchi:
Gazeta ofisi usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma 7 — 1015.
13619 nusxada bosiladi.
Nashr ko'rsatkichi: 133
Taxririyat xisob raqami:
2021 0000 0004 3052 7001,
ATB «Inoqta» banki Yashnabod filiali,
Bank kodlari: 00959, STIP: 201133889, OKONX: 87100